



## РАБҒУЗИЙ ИЖОДИДА ЭВРИЛИШ МОТИВИ

**Курбаниязов Махсуд Алламбергенович,**  
Қорақалпоқ давлат университети доценти,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

### DOI:

Халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари – эртақ ва латифаларнинг ўз поэтик тизими бор. Ҳикоят, гарчи ёзма адабиётга мансуб жанр бўлса ҳам, деталлар, мотив ва сюжетнинг баъзан ғайритабиийлиги билан эртақ сюжетларини ўзида гавдалантиради. Гарчи халқ оғзаки ижодида эртақ, латифа, нақл каби қатор кичик жанрларнинг умумий хусусиятлари билан бирга, ўзига хос хусусиятлари ҳам борки, бу жанрларнинг адабий вазифасидан келиб чиқади. Мазкур жанрлар «Қисаси Рабғузий»да ҳам фаол учрайди. Рабғузий бу жанрлар орқали ўз асарининг ижтимоий моҳиятига ҳам урғу қаратгани маълум бўлади.

Рабғузий қиссалар таркибига ҳикоятларни олиб кирар экан, ҳикоятлар сюжетига афсонавий руҳ ва мазмун сингдиради, ҳикоятларнинг дидактик моҳиятига алоҳида эътибор қаратади. Бу билан Рабғузий ўз асаридаги ҳикоятларнинг ранг-баранглигини таъминлаган, бадий асарнинг муҳим адабий категорияларини – муаллиф позициясини, ҳис-туйғуларни, мавзунини, яъни ахлоқий, фалсафий муаммоларни, ғояни шакллантирган. Нуҳ алайҳиссалом қиссасида баён қилинган куйидаги ҳикоят айна шу мақсадларни гавдалантиради:

*Нуҳнинг бир қизи бор эди. Бир қизига совчиликка келди. Берсаммикан, деб ўйлади. Яна бир келди, бунга берсаммикан, деди. Хуллас, тўрт совчи келди ва ҳаммасига беришни ихтиёр қилди. Ҳаммалари қизни олиб кетгани келдилар. Нуҳ алайҳиссалом қайғуга ботди. Уйига кирди. Уйида бир қиз ити ва бир моча эшаги бор эди. Худонинг қудрати билан иккаласи ҳам қиз эди. Худо жаннатдан бир ҳурни берди. Тўртала қизни Нуҳ тўртта куёвга берди. Қизларнинг ҳаммаси бир-бирига жуда ўхшар эди. Ўзининг қизини таний олмади. Бир неча кундан кейин совгалар олиб, қизларини кўргани келди. Бир куёвидан сўради: «Жуфтинг билан муносабатинг қандай?» «Яхшиман, аммо у емайди, ичмайди». Нуҳ билдики, у ҳур экан. Иккинчи куёвидан сўради: «Жуфтинг билан муносабатинг қандай?» Куёви: «Қанжиг экан», деди. Нуҳ билдики, ит экан. Учинчи куёвидан сўради: «Жуфтинг билан муносабатинг қандай?» Куёви: «Ейди, ичади. Эшакдай ётаверади». Нуҳ билдики, у мода эшак экан. Тўртинчи куёвидан*

# “O‘ZBEK FILOLOGIYASI: MUAMMO VA YECHIMLAR” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani



сўради: «Жуфтинг билан муносабатинг қандай?» Куёви деди: «Мен ундан мамнунман, пайгамбарлар уругидан экан». Нуҳ алайҳиссалом билдики, буниси ўзининг қизи экан. Олиб келган совғасини унга берди<sup>1</sup>.

Мазкур ҳикоят «эврилиш» (метаморфоза)нинг бир кўринишидир. Эврилиш дунё халқлари мифологиясининг ҳаммасига хос бўлиб, илк мифопоэтик тафаккурнинг муҳим хусусиятларини ўзида ифода этади. Эврилишнинг энг қадимги кўриниши тотемистик тасаввурлар билан боғланган<sup>2</sup>. Кейинги мифопоэтик тараққиёт босқичида эврилиш сюжет курилиши учун муҳим детал бўлиб хизмат қилади. Айниқса, сеҳрли эртақларда бу жараён ёрқин кўзга ташланади. Сеҳрли эртақларнинг алоҳида жанр сифатида шаклланишида эврилиш асосий омилдир. Рабғузий келтирган юқоридаги ҳикоятнинг қаҳрамонлари ҳам, худди сеҳрли эртақ қаҳрамонлари сингари, мифологик персонажлардир. Ўзбек сеҳрли эртақларида кенг тарқалган қаҳрамонларнинг бир думалаб каптарга ёки бошқа жонзотларга айланиб қолиши, ёки сеҳр-жоду орқали тошга айланиши лавҳалари кенг учрайди. Эврилишга асосланган бу лавҳалар дунё халқларининг сеҳрли эртақларида кенг тарқалган.

Юқорида келтирилган ҳикоят халқ оғзаки ижодидаги нақл асосида қайта ишланган жанр деб айтиш мумкин. Бу ҳикоятнинг сеҳрли эртақлардан эврилиш орқали ҳосил бўлган қаҳрамонлари – хур, ит, мода эшакдир. Рабғузий бу қаҳрамонлар образи орқали айёрлик муаммосини яратади. Айёрлик – эртақлар бадииятининг муҳим масалаларидандир. Айёрлик, сеҳрли эртақлардаги сингари, бу ҳикоятда ҳам қораланмайди, балки муҳим хусусиятлар сифатида қаҳрамонларга сингдирилади<sup>3</sup>, муаллифнинг бу қаҳрамонларга нисбатан позицияси ижобий. Фақат Рабғузий юмор яратиш учун бу образлардан фойдаланади.

Шарқ мифологиясининг ҳикоятларга ва нақлларга таъсирини «қайта туғилиш» ғояси билан боғлаш мумкин. «Қайта туғилиш» ғояси «Қисаси Рабғузий»нинг кўп қиссаларида бор. Жумладан, бутпарастларни исломга даъват қилиш ва бутпарастларнинг исломни қабул қилишлари «қайта туғилиш» демакдир. Бу ўринда биз «қайта туғилиш»ни диний ақида сифатида талқин ва таҳлил қилиш ниятидан узоқмиз. Бу дин уламоларининг вазифасидир. Биз учун

<sup>1</sup> Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 46.

<sup>2</sup> Метаморфозы. Мифы народов мира. Том II, – Москва: Советская энциклопедия, 1992. – С. 148.

<sup>3</sup> Пропп В.Я. Русская сказка. – Изд. Ленинградского университета, 1984. – С. 188.

# “O‘ZBEK FILOLOGIYASI: MUAMMO VA YECHIMLAR” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani



муҳим ҳодиса – персонажларнинг ёки қаҳрамонларнинг қиёфаси ўзгариши бўлиб, «қайта туғилиш» ғоясига таянади.

Рабғузийнинг аксарият ҳикоятлари битта сюжет линиясидан иборат, аммо Рабғузий бир сюжет доирасига бир неча ҳикоят воқеаларини киритади ва воқеаларни китобхон аниқлаштириб олиши учун «ҳикоятлар» терминини қўллайди. Рабғузийнинг турли манбалардан олиб яратган бу ҳикоятлари эпос мазмунига барабар деб қараш мумкин.

Сўнгра Рабғузий «Эй азиз, билгилким, Сулаймон қиссасинда телим хатолар бор» дея китобхонга мурожаат қилади. Мазкур воқеаларни баён қилишга киришар экан, Рабғузий «ҳикоятлар» деган терминни қўллайди ва бу парчанинг жанр табиатини белгилаб беради. У катта ижодкор сифатида бадиий образни ва ҳаётий ҳодисаларни тасвирлаганда, содда мантиқ асосида мазкур ҳикоятлар йиғиндисидан йўл қўйилган хатоларни талқин қилиб беради.

Хатолар қуйидагилар бўлиб, Рабғузий мазкур ҳикоятлар юзасидан китобхонда туғиладиган саволларни мушоҳада қилади ва ҳикоят билан китобхонда туғиладиган саволларнинг мантиқан қанчалик боғлиқлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Рабғузийнинг мазкур ҳикоятлар юзасидан таҳлили натуралистик тасвирни эслатади. Аймишлар, бир хато бу Куна отлиғ қиз ҳикояти турурким, айтдуқ. Бу камуғ жоҳил сўзи турур. *Аввал хато*, ул кабира ёзуқ бўлғай. Мундин ортуқ ким бутга топунсалар ялавоч эвинда ул ани билмаса, сен хотунинг ҳайзи келмиш холини билмасанг, фосиқ бўлурсен. *Субҳоналлоҳи*, Сулаймон ялавоч эвинда бутга топундилар, билмади теюрсан. *Иккинчи хато*, Сулаймон хотуни бутга топунса, кофира бўлғай эрди. Сулаймон кофирани никоҳ қилмағай эрди. Агар билмаса кофира эрдукин Мавло таоло хабар бергай эрди. *Учунчи хато* Шайтон Сулаймон суратига келиб юзук олди теюрлар. Андоғ бўлса Мавло таоло яна бир одамни санинг суратингга эвурурға қудрати йўқму. *Тўртунчи хато* ул турурким, Сулаймоннинг сурати ўврулди теюрлар. Суврат ўврулса масх бўлур. Ким муни раво тутса, Шайтонни ялавочилиқға раво тутмиш бўлур. *Бешинчи хато* ул турурким, дев Сулаймон хотунлари бирла хилват қилди теюрлар. Андоғ бўлса, қаю қиз хотун эрига қиз келгай эрди. Мавло таолонинг ҳукми ул турур, мўъминларнинг моли уза тақи ҳарами уза ҳеч шайтоннинг тасарруфи йўқ. Бу сўзлар камуғ ёлғон турур. Ноаҳллардин, кофирлардин, зиндиклардин мусулмонлар оғзига тушди билмасликдин сўзлаюрлар. *Олтинчи хато* ул турурким, ялавочлар хотунлари никоҳ бирла ўзгаларга ҳаром турур. *Еттинчи хато* ул турурким, шайтон Сулаймон тахти уза ўлтурди теюрлар. Оят далил қилурлар. Бу ҳам хато турур.

# “O‘ZBEK FILOLOGIYASI: MUAMMO VA YECHIMLAR” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani



Анинг учунки бу илқо ҳасад ул вақтда эрдиким, Сулаймонға ул тахт, ул мулк азин берилмай эрди, дев ҳам мусаххар эрмас эрди. Тахт бўлмаса, мулки азин бўлмаса, дев мусаххар бўлмаса, юзукни ким олмиш бўлур? Сулаймонға бу мулк берилмас эркан. Тақи далил бу турурким, Сулаймон бу жумладин, сўнг бу дуони қилдиким Рабби-ғфир-лий ва ҳаблий мулкан ла янбағий ли аҳадин мин баъдий иннака антал-вахҳаб.

Мазкур ҳикоятни ва Рабғузийнинг ҳикоят юзасидан эътирозларини тўлиқ келтиришимиздан мақсад шуки, Рабғузий ҳикоятда баён қилинган воқеаларда йўл қўйилган камчиликларни содда ҳаётий мантиқ натижасида бартараф қилганини китобхонга уқтиришга эришган. Эҳтимол, «Қисаси Рабғузий»нинг муқаддимасида Рабғузий Тўқбуғабекнинг пайғамбарлар қиссаларига рағбати борлиги ҳақида тўхталиб, «Текма ерда текма ким эрсада бўлинур, баъзиси мустақим бор, баъзиси номустақим. Бир ончаси муқаррар ва бир ончаси мубаттар бор. Бир озининг сўзлари кесук бор, бир озининг мақсудлари ўксук» деган эътирозларига адибнинг жавоби бўлса керак.

Хулоса қилиб айтганда, шарқона ахлоқ ва удумлар, ҳаётий ҳодисаларнинг ва инсоний муносабатларнинг қанчалик ҳақиқат асосига қурилганига, бошқа манбалардаги ҳақиқатга хилоф воқеаларга Рабғузий ўз ҳикоятларида алоҳида эътибор беради.